ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

11 июль, шанба 1998 йил №81 (583)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

С.С.Ғуломовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

О.У.Салимовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Оқил Умурзоқович Салимов пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 июль

Аждодларимизга муносиб ворислар бўлайлик

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 июль куни Самарқанд вилоятида бўлди

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари яқинда Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам бўлиб, жойларда ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишган, кўплаб учрашувларда бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммоларга эътиборни қаратган эди. Йўлбошчимизнинг Самарқанд вилоятига сафари ҳам ана шундай мулоқотларга бой бўлди.

Мамлакатимизда буюк ҳадисшунос Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлашга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Юбилейнинг асосий тантаналари аллома абадий қўним топган Челак туманидаги Ҳартанг қишлоғида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан бу ерда улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи айнан ана шу жойдан бошлангани ҳам бежиз эмас. Зеро, тарихий меросга муносабат, аждодлар хотираси, умуман, маънавият масаласи юртбошимизнинг доимий диққат эътиборида. Ислом Каримов қурилиш ишлари билан танишиб, мутахассисларга зарур кўрсатмалар берди.

Жумладан, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш, сув таъминоти тармоқларини ривожлантириш, барча ишда қадимий меъморлик анъаналарига таяниш лозимлигини айтди.

- Биз бу ерда миллий шакл ва миллий мазмунга эга бинолар қуришимиз керак,- деб таъкидлади жумладан Президент. -Замонавий қурилиш материаллари билан бирга ота-боболаримиз усулидан фойдаланиб, миллий қурилиш материалларини ҳам қўллашимиз зарур. Умуман, барча иншоотларга қадимийлик руҳини сингдириш лозим.

Йўлбошчимиз Имом Бухорий қабри устида бунёд этилаётган мақбарани кўздан кечирди. Мақбарани куришда Шарқ мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, ўлкамиздаги буюк бобокалонларимиз зиёратгоҳлари андозасига таяниш, асосийси, аллома қабрини зиёрат қилувчиларга қулайлик яратиш зарурлигини уқтирди.

Одамлар бу ерга нима учун келишини унутмайлик, деди Ислом Каримов. Барча қилаётган ишларимиз Имом Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мақбарани бунёд этишда сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳунармандлар Мирумар Асадов, Миржамол Асадов ва бошқалар билан суҳбатлашиб, уларга миннатдорлик билдирди.

- Бундай муқаддас қадамжода ўз маҳоратини намойиш этиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бизга бу ишлар насиб қилганининг ўзи катта бахт,- деди йўлбошчимиз.

Президент мажмуа доирасидаги масжид қурилишида ортиқча ҳашамат ва безакларга берилмаслик, одамлар бу ерга ибодат учун келишларини эсдан чиқармаслик кераклигини айтди. Бутун мажмуанинг кўрки бўлиб турган қадимий чинорларни асраш, уларнинг соясида ҳовуз барпо этиб, зиёратчилар учун дам олиш жойига айлантириш зарурлигини қайд этди. Ёдгорлик мажмуи инсонлар руҳий озуқа оладиган маскан бўлиши муҳимлигини таъкидлади.

Айни пайтда Ислом Каримов муқаддас ҳаж сафарига отланган ҳар бир ватандошимиз, аввало, юртимиздаги бу муқаддас ерни зиёрат қилиши мақсадга мувофиқлигини айтди. Ҳажга боришдан олдин одам ўзини англаши керак, деди йўлбошчимиз. Ўзини англаш эса шундай табаррук жойлардан бошланади.

Шундан сўнг, йўлбошчимиз вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар, қулга киритилаётган ютуқлар билан танишиш мақсадида бир қатор хўжаликларда бўлди.

Челак туманидаги «Маниобод» жамоа хўжалигининг 2- бригадаси пахта даласини кўздан кечириб, бригадир Носир Назаров, агроном Бобур Отамуродов билан суҳбатлашди. Хўжаликда экилаётган «Фарғона-3» навининг хусусиятлари, ғўза ривожи, гектар бошига экилган туп сони, тупроқ шароити, суғориш ишлари ва бошқа агротехник тадбирлар қандай ўтказилаётгани билан қизиқди.

Узбекистондаги ерларни кучли, ўрта ва заиф ерларга ажратаман, деди Ислом Каримов. Заиф ерлардан юқори ҳосил олиш учун ўғит бериш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар қайси хўжалик ўзига мос пахта навини танлаб олиши, ҳар бир туман экилаётган пахта навларини такомиллаштириш устида иш олиб бориши зарур.

Қурилаётган иншоатлар билан танишув пайти.

М. АМИН ва Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Шу ернинг ўзида Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

- Иқтисодий ислоҳотлар шу заминда яшаётган одамларнинг фаровон ҳаёти учун, озод ва обод Ватан қуриш учун амалга оширилмоқда,- деди жумладан давлатимиз раҳбари. - Лекин инсон бу ислоҳотларнинг мақсадини тушуниши учун унинг онги, дунёқараши, маънавияти шунга мос бўлиши керак. Ислоҳотларнинг негизига етиб бориш учун эса миллий қадриятларимиз асосида комил инсонни тарбиялашимиз лозим. Шу сабабли биз маънавиятга кўпроқ эътибор бериб, уни иқтисодий ислоҳотлар билан тенг кўяяпмиз, баъзида эса устун ҳисоблаяпмиз. Зеро, маънавият моддий ҳаётдан юқоридир. Маънавиятни юксалтириш учун ўзлигимизни англаш, бунинг учун эса тарихимизни билишимиз зарур, деди Президент. Мана шундай обидаларни тиклаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Агар биз Имом Бухорийдек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлишни истасак, улар меросидан баҳраманд бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз шарт.

Жомбой туманидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ижарачиси Олим Тоғаев, хўжалик раиси Барот Нодиров Президент Ислом Каримовга жамоа далаларида экилаётган «Улуғбек-6ОО» буғдой нави хусусида сўзлаб беришди. Жумладан, бу навли ғалланинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 75 центнерни ташкил этмоқда. У маҳаллий иқлим шароитига жуда мос. Давлатимиз раҳбари ижарачи ва хўжалик ўртасидаги шартнома қандай бажарилаётгани ҳақида сўраб, ҳар иккала томон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши зарурлигини таъкидлади. Хўжалик эришаётган ютуқларни, тўпланган тажрибани бутун республикага ёйиш, хусусан, матбуотда кенг ёритиш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Мақсадимиз республика бўйича ўртача 35-4О центнердан ғалла ҳосили олишдир, деди Ислом Каримов, шунга эришсак, нафақат ўзимизни дон билан таъминлаймиз, балки четга ҳам сотамиз.

Тайлоқ туманидаги «Улуғбек» жамоа хўжалиги далаларида ҳам бир неча йиллардан буён айнан шу нав экиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида хўжалик ижарачиси Клара Шарипова бу йил ҳар гектар ердан ўртача 65 центнердан ҳосил кўтармоқчи, мавсум якунига кўра, 2 миллион 7ОО минг сўм даромад олмоқчи эканлигини айтди. Ислом Каримов «Улуғбек-6ОО» навининг афзалликларини ўрганиш, келгуси мавсумда кенгроқ миқёсда синаб кўриш, мамлакатимизнинг қайси минтақаларида ундан фойдаланиш мумкинлигини белгилаш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, у маҳаллий заминда, деҳқонларимиз қўли билан яратилган нав.

Президент Ислом Каримов шу тумандаги «Элита» Узбекистон- Ирландия қўшма корхонасининг тажриба даласини кўздан кечирди. Бугдой ва арпанинг янги навларини етиштиришга ихтисослашган бу корхона тажриба майдонларида бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келтирилган мингга яқин нав синалмоқда. Уларни маҳаллий навлар билан чатиштириб, иқлим ва тупроқ шароитимизга мос, ҳосилдорлиги юқори сара уруғлик олинмоқда. «Улуғбек-6ОО» навининг уруғи ҳам хўжаликларга ана шу корхона томонидан етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона мутахассисларининг илмий тадқиқотларини янги босқичга кўтариш, жойларда бу борада олиб борилаётган ўзбошимчаликларга чек қўйиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Дон мустақиллигига эришиш учун уруғчилик масаласини давлат миқёсига кўтариш, жойларда четдан келтирилган шубҳали навларнинг экилишига барҳам бериш лозимлигини таъкидлади. Корхона ходимларининг илтимосига кўра, Ислом Каримов бир неча йиллик изланишлар натижасида етиштирилган янги навни «Ўзбекистон-1» деб номлади.

Шу куни Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимлигида Самарқанд шаҳрини қуриш бош лойиҳаси билан танишди. Йўлбошчимиз Самарқанд республикамизнинг сайёҳлик марказларидан бири эканлигини инобатга олиб, барча қурилиш ва ободонлаштириш ишларини шаҳарнинг туризм соҳасидаги имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ҳолда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бу борада Самарқандниг тарихий ҳудудида Регистон, Гўри Амир мақбаралари ва Амир Темур ҳайкали ўртасида ягона сайёҳлик мажмуини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Шўро даврида бу бебаҳо тарихий ёдгорликларни камситиш мақсадида, уларнинг атрофига спирт заводига ўхшаган ҳар хил бинолар қуриб ташланган, деди Ислом Каримов. Биз ана шу хатони тузатиб, Самарқаднинг ҳақиқий тарихий кўркини тиклашимиз керак. Умуман олганда, туризм дегани фақат обидаларни томоша қилиш эмас, балки шу билан бирга кўнгилли дам олиш ҳамдир.

Давлатимиз раҳбари шаҳардаги қурилиш ишларини айнан шу йўналишда олиб бориш юзасидан вилоят ва шаҳар раҳбарларига, мутахассисларга тегишли топшириқлар берди. Жумладан, Бибихоним ва Регистонни боғловчи пиёдалар йўли барпо этиб, уни сайёҳларга юқори савиядаги сервис хизмати кўрсатадиган жойга айлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини уқтирди.

Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд вилоятига сафарида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев, Президентнинг Матбуот котиби Азамат Зиёев ҳамроҳлик қилди.

Беҳзод УСМОН,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбирлари.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

РОССИЯДА НАМОЙИШЛАР

Бутун Россия бўйлаб норозилик намойишлари авж олиб кетди. Россиянинг йигирмага яқин минтақаларидан келган намойишчилар Москва шаҳрида Мудофаа вазирлиги биносини қуршаб олдилар. Намойишчилар мудофаа ишлари бўйича буюртмаларнинг ҳақини тўланиши ва ойлик маошларининг ўз вақтида берилишини талаб қилмоқдалар. Шунингдек, норозилик намойишлари Россиянинг Санкт-Петербург, Челябинск, Приморье, Кемерово каби қатор минтақаларида ҳам давом этмоқда. Намойишчилар асосан ойлик маошларини ва Президент Ельцининг истеъфога чиқарилишини талаб қилмоқдалар.

ВЛАСОВ ЎЗИ ҚАЕРДА?

Чеченистон махсус хизматлари Россия Президентининг вакили Валентин Власов Ингушетияда гаровда ушлаб турилибди, деган гумонни илгари сурди. Россия Президентининг Чеченистондаги вакили 1 май куни Чеченистон ва Ингушетия чегарасида ўғирлаб кетилган эди. Бирок Ингушетия ҳукумати Валентин Власов Чеченистон ҳудудига олиб кетилганини таъкидламоқда.

НАТО РАҲБАРИ УКРАИНАДА

НАТО Бош котиби Хавьер Солана Украинада меҳмон бўлди. Хавьер Солана Президент Леонид Кучма билан учрашиб, НАТО ва Украина ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида фикр алмашди. Учрашувда Украинанинг НАТОга аъзо бўлиши масаласи ҳам кўрилди.

АҚШ ВАКИЛИ ЛАТВИЯДА

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти раҳбарининг ўринбосари Строуб Тэлбот Латвия Республикасида ташрифда бўлди. Строуб Тэлбот Америка Қўшма Штатлари ва Латвия ўртасида имзоланган ҳамкорлик Хартиясини ҳаётга тадбиқ этиш масалалари юзасидан Латвия ҳукумати билан музокаралар олиб борди.

РУГОВАГА ИШОНЧ ЙЎҚОЛДИ

Германия Федератив Республикаси пойтахти Бонн шаҳрида Косово муаммосини бартараф этиш бўйича ташкил этилган халқаро алоқа гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтмоқди. Унда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, Россия ва Америка Қўшма Штатлари вакиллари иштирок этдилар. Анжуман қатнашчилари Сербияга қарашли Косово ўлкасининг исёнкор албанларини ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ва Иброҳим Руговани ўз йўлбошчилари деб тан олишга даъват этдилар. Бироқ Косоводаги жангарилар Иброҳим Ругованинг хорижий давлатлар чизган чизиғидан чиқмаётганлиги учун ўз йўлбошчилари сифатида тан олгилари келмаяпти ва Сербия ҳукуматига қарши қуролли қаршилик кўрсатишдан тўхтамасликларини маълум қилмоқдалар.

ВАҲШИЙЛАР УСТИДАН ҲУКМ

Токио прокуратураси АУМ-синрике диний-радикал гуруҳининг аъзоларидан бири Кадзауки Окадзакига нисбатан энг олий жазо - ўлим жазосини қўллаш талаби билан чиқди. Окадзаки Японияда адвокат Сакамато ва унинг оила аъзоларини ваҳшийларча ўлдирганликда айбланмоқда. Окадзаки устидан қўзғатилган жиноий иш ниҳоясига етгач, Япония суди АУМ-синрикё сектасининг йўлбошчиси Асахара устидан тергов жараёнини бошлайди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Сўнгги хабарлар тўлқинида

Украина парламенти - Олий Рада раислиги учун салкам икки ой вақт мобайнида давом этган сайловлар ниҳоят интиҳосига етди-сайловнинг йигирманчи турида парламент спикерининг курсиси ўз эгасини топди.

Мамлакат парламентининг ялпи мажлисида сўл кучлар вакили - Александр Ткаченко 232 та овоз олиб Олий Рада раиси этиб сайланди. Парламент раиси бўлиш учун эса камида 226 нафар овоз керак эди. Қизиғи шундаки, одатда, президентлик сайлови ҳам бу қадар узоққа чўзилмасди. Бу агар мавжуд ҳолни демократиянинг бир кўриниши, деб аташ мумкин бўлса, Украинада демократия тамойиллари «тобора чуқур илдиз отаётгани»дан дарак беради.

А.Ткаченко парламентнинг янги раиси сифатида ўз олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб, энг аввало, парламент ишини бир маромга келтириш ва унинг етакчи органларини тузиш зарурлигини айтди. Шунингдек, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатиш керак.

Биламизки, 12 майдан буён парламентда бирорта ҳам қонун қабул қилингани йўқ. Энди депутатлар 1998 йил бюджетига тузатишларни, мамлакатни иқтисодий инқироздан олиб чиқиш учун ҳукумат дастурини тасдиқлаши керак... Олий Радада давом этган салкам ярим йиллик баҳс-мунозараю тортишувлар сабаб Украинанинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатида ҳам талай мураккабликлар вужудга келди. Хусусан, қатор халқаро битим ва шартномаларни ратификация қилиш анча кечикиб кетди.

Мамлакат президенти Леонид Кучма парламент спикерининг сайланиши Олий Рададаги инқирозга барҳам бериб, қонун яратувчилик жараёнини бошлаб беражагига ишонч билдирди. А.Ткаченко эса нафақат президентнинг, балки барча депутатларнинг, энг асосийси, халқнинг ишончини оқлаши лозим. Мавриди келганда айтиш мумкинки, А.Ткаченко мамлакат президентига «бегона одам эмас». Тўғрироғи, унинг собиқ рақиби. Мамлакатда 1991 йил бўлиб ўтган президентлик сайловида давлат раҳбари курсисига даъвогарлар орасида А.Ткаченко ҳам бор эди. Лекин, яна бир талабгор - Леонид Кравчук учун у ўз номзодини қайтиб олганди.

Бир кам олтмишни қоралаган иқтисодчи - А.Ткаченко сиёсат майдонига 8О-йилларда кириб келган эди. Дастлаб Украина қишлоқ хўжалик вазири, сўнгра мамлакат агросаноат қўмитаси раиси, қишлоқ хўжалиги сиёсати ва озиқ-овқат масалалари бўйича Украина давлат вазири лавозимларида ишлаган. 1994 йилда у Олий Радага депутат қилиб сайланди ва ўша йили парламент раисининг биринчи ўринбосари бўлди. Иқтисодиётни яхши тушунгани А.Ткаченкога унинг қонунчилик фаолиятида фойда бериши шубҳасиз. Бошқача айтганда, у қонунчиликни ҳам иқтисодиётдан кам тушунмайди. А. Ткаченкони яқиндан билганлару сиртдан таниганлар ҳам ана шундай фикрда.

Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

УКРАИНА: НИҲОЯТ ПАРЛАМЕНТ РАИСИ САЙЛАНДИ

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, корпорация ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раисининг ўринбосари А.Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда байрамга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Халқ шоири, байрам томошаси бадиий сценарийсининг муаллифи А.Орипов, Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Б.Абдураҳимов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т.Зокиров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Эрназаров, республика бош санитария врачи Б.Ниёзматовнинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг етти йиллиги бутун халқимиз, жонажон диёримизда яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг энг улуғ, энг қутлуғ байрамидир. Бугунги кунда, мажлисда таъкидланганидек, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва бошқа барча соҳалар меҳнат жамоаларида байрамга пухта ҳозирлик кўриш, уни муносиб кутиб олиш ишлари тобора авж олиб бормоқда.

Қутлуғ санага тайёргарлик давомида республика пойтахти- Тошкент қиёфаси янада ўзгаради. Янги уй-жойлар, маъмурий иншоотлар, кўча ва хиёбонлар барпо этилади. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари, маҳаллаларида ҳам кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Мажлисда тегишли ташкилотлар раҳбарларига бу борадаги барча ишларни янада тезлатиш, улуғ байрамимизни юксак савияда ўтказиш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Ташкилий қўмита мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Л.Аҳметов қатнашди.

(ЎзА)

«Ишонч» мақолалари изидан

«ПАШШАЛАР ҒУЖҒОН ЎЙНАБ»

Газетамизда босилиб чиққан (1998 йил 13 июнь 69-сон) «Пашшалар ғужғон ўйнаб» танқидий мақола хусусида Нукус шаҳар ҳокимиятидан жавоб олдик. Унда шундай дейилади.

«Мақолада кўрсатилган камчиликлар шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш муассасалари томонидан ўрганиб чиқилди.

Кўп қаватли турар жой биноларнинг ер ости сувларини торттириш, дорилаш бўйича ҳал қилувчи ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозир 174та турар жой подваллари тозаланиб, дезинфекция қилинди. Бу йўналишда амалий ишлар давом эттирилмоқда.

С. ЖУМАТОВ,
Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари.

Оила ва маҳалла

МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ - ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ

Жиззах шаҳрида яқинда қуриб фойдаланишга топширилган «Раваллик» маҳалла гузари ўзининг кўркамлиги билан бошқа гузарлардан тубдан ажралиб туради. Бу ерда аҳолининг бўш вақтларда мириқиб ҳордиқ чиқариши, керакли маиший хизмат турларидан фойдаланиши, кундалик эҳтиёж моллари харид қилиши учун барча шароитлар яратилган. Гузарда ишлаб турган бозорча, телевизор тузатиш ва пойафзал таъмирлаш устахоналари, сартарошхона, чойхона, нонвойхона, дўконлар ҳамда музқаймоқ кафеси нафақат равалликларга, балки яқин атрофдаги бошқа кўплаб маҳаллалар аҳлига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Маҳалла гузари қурилиши, асосан, ҳашар йўли билан амалга оширилди. Жиззахдаги гўшт - сут ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти эса бу масканни бунёд этишда ҳомийлик қилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ботир Мамажонов (чапдан иккинчи) барча ишларни маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат амалга оширади.

А.ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Касаба уюшма ҳаёти:

ТУРЛИ УСЛУБЛАРДАН...

Республика қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Я.Саъдуллаев «Бухоро вилояти касаба уюшма қўмиталарининг ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги ишлари тўғрисида» маъруза қилди. Унда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида олиб борилган ишлар илғор тажрибалар таъкидланган ҳолда юз бераётган камчиликлар танқид қилинди.

Пленум қатнашчилари шунингдек, республика қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари Марказий қўмитаси раиси ўринбосари М.Петросянц касаба уюшмаси марказий қўмитаси раёсатининг IV ва V пленумлари орасида олиб борган ишлар тўғрисидаги ахборотни ҳам тингладилар.

Шу куни Республика қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси раиси Т.Давлатов касаба ходимлари ва фаолларини ўқитиш ҳамда кадрлар заҳирасини тайёрлашда қўмитада олиб борилаётган ташкилий ишлар тўғрисида ахборот берди. Қўмитадаги доимо фаолият кўрсатадиган семинарда, касаба уюшмаси фаолиятининг ҳамма йўналишлари бўйича ўқув режалари ишлаб чиқилган. Корхона қўмита раёсатида ушбу масала муҳокама этилиб қабул қилинган қарорда ўқув жараёнини мувофиқлаштириб туриш мақсадида вилоят қўмитасининг доимо фаолият кўрсатиб келадиган семинари ҳузурида услубий кенгаш тузилиши фақатгина касаба қўмиталари раислари эмас, ҳар бир даражадаги касаба ходимлари ва фаоллари ўқишга жалб қилиниши, бу ўқувларда амалий машғулотлар, давра суҳбатлари ташкил қилиш ишнинг турли шакл ва услубларидан фойдаланиш ҳамда бу касаба мактабларини услубий ўқув қўлланмалари, адабиётлари ва касаба уюшмаси ишидаги илғор тажрибалар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш ва шунингдек касаба қўмитаси раисларига резерв номзодни танлашда ёшлар ва хотин-қизларга эътибор бериб, ходимларнинг тажрибаси чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлишига диққатни қаратиш таъкидланди.

Тошкент шаҳар корхоналарида маданий-оммавий ва физкультура соғломлаштириш ишлари бир мунча яхши йўлга қўйилган. Шаҳар корхоналарининг жамоа шартномаларида бу тадбирлар учун иш ҳақининг 1 дан 2 гача маблағ касаба қўмиталари ҳисобига ўтказиш белгиланган. Касаба қўмиталари бу маблағларни ходимлар орасида ҳар хил маданий тадбирлар ва оммавий спорт мусобақалари ташкил қилиш учун ҳаражат қилмоқдалар. Касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси раиси Б.Раҳмонов ўзининг шаҳар корхоналарида маданий-оммавий ва физкультура-соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги ахборотида бу ҳақда гапириб берди.

Раёсатнинг бу масала бўйича қабул қилган қарорида тармоқ корхона ва ташкилотларида маданий-оммавий, физкультура ва спорт-соғломлаштириш ишларини янада жонлантириш, ҳар бир ташкилотда жисмоний тарбия жамоаси тузишга эришиш, хотин-қизлар ва ўрта ёшдагиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенгроқ жалб этиш касаба уюшмаси қўмиталарида аъзолик бадалларининг камида 30 фоизи маданий-оммавий, камида 20 фоизи эса физкультура ва спорт-соғломлаштириш ишларига сарфланишга эришишни таъминлаш таъкидланди.

А.ТОШПЎЛАТОВ,
Касаба уюшмаси Марказий қўмитаси инсонпарварлик масалалари ва ахборот бўлими мудири.

Дон — ризқ-рўзимиз

ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛСА, ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛАДИ

— дейди Муборак тумани ҳокими Карим Остонов

Олтиндек товланаётган бепоён ғаллазорларда ҳаёт қайнайди. Комбайнлар ўриб-янчаётган буғдойлар дастурхонларимизнинг янада тўкин бўлишидан далолат беради. Агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишга улгурган «олтин бошоқ» ижодкорлари қувончининг чеки йўқ.

Муборак тумани деҳқонлари ўтган йили давлатга ғалла сотиш йиллик режасини нафақат, Қашқадарё вилоятида, балки республикамиз туманлари ичида ҳам биринчилардан бўлиб бажариб, эл олдида юзлари ёруғ бўлган эди.

Туман «олтин бошоқ» ижодкорлари оила йилида янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишаяпти. Мавжуд 11700 гектар майдон ғаллазорни ташкил этади. Ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказиш мақсад қилиб қўйилган.



Бу осон эмас, айниқса, чўл шароитида. Хуллас, ваъда бердингми, бажариш шарт. Дангал гап - Ўзбек деҳқонининг лафзи ҳалол. Буни қалбдан ҳис этган ғаллакорлар дақиқалар қадрига етиб меҳнат қилаяптилар. Ишчи кучи ва техникалардан унумли фойдаланилаяпти. Кўп йиллик тажрибаларга таяниш аскотди. Қарабсизки, натижа чакки бўлмади...

Мавсум олдидан ғалла ўрим-йиғимини тез ва соз, уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан туман ҳокимлигининг тадбирлари белгиланди. Унга асосан дон ҳосилини қисқа муддатда нес-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш учун 55 та «Енисей», «Нива» комбайнлари, Американинг «Кейс» русумли комбайнидан эса 5 таси тахт қилиб қўйилди.

Зарур техникалар, тарозилар тайёрланди. Ҳар бир майдонда ёнғиннинг олдини олиш чоралари кўрилди. 300 нафарга яқин механик-ҳайдовчилар ишга жалб этилди. Дон ҳосилини ва сомонни ўз вақтида ташиб олиш учун 120 та автотранспорт воситалари сафарбар этилди.

Жамоа-ширкат хўжаликлари ғаллачилик звенолари комбайнчилар ҳамда автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари ўртасида ўзаро мусобақалар ташкил этилганлиги суръатга суръат қўшди.

Ғалла ўрим-йиғимининг дастлабки кунлариданоқ мусобақа ғолиблари аниқлана борди.

Амир Темур номли жамоа-ширкат хўжалигининг «олтин бошоқ» ижодкорлари тўрт иш кунида давлатга дон топшириш йиллик режасини бажардилар. Мавжуд 625 гектар майдондан режадаги 944 тонна ўрнига 1034 тонна сара дон ўриб олинди.

Бу тўрт иш кунидаги далил. Кундан-кунга пешқадам хўжаликлар сафи кенгая борди: Алишер Навоий, «Муборак», «Хитой», «Гулистон», «Туркистон», «Қарлиқ»...

- Давлат буюртмасига асосан 18 минг тоннадан ортиқ сара дон топширишга эришдик,- дейди туман ҳокими Карим Остонов,- ҳали комбайн тушмаган майдонларимиз анчагина. Саранжомлаб олинган ғалла омборларимизни тўлдирди. Бу одамларимизнинг ризқи, юртимизнинг фаровонлигидир. Омборлар донга тўлса, деҳқонларимиз бой бўлиши табиийдир.

Ғалла ҳосилини қисқа муддатда саранжомлаб олиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Аввало, мавсумга қатнашаётган техникалар сифатли таъмирдан чиқарилди. Ғалла ўрим-йиғимида иштирок этаётган ишчи-хизматчилар учун 3 маҳал иссиқ овқат ташкил этилди. Иш икки сменада олиб борилди...

Мусобақалар ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилди.

Энг кўп миқдорда ғалла ўриб-янчиб берган комбайнчи мусобақада пешқадамлик қилса, рангли телевизор ҳамда республикамизнинг энг хушманзара санаторийсида дам олиш учун йўлланма билан тақдирланади. Адолатли томони шундаки, «Кейс» комбайнининг ҳайдовчиси учун алоҳида, «Нива», «Енисей» комбайнларини бошқараётган техника жиловкорлари учун алоҳида мукофотлар жорий этилди. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган комбайнчилар учун эса гилам ва пул мукофотлари қўйилди.

Мавсум давомида 100 тонна ғаллани ўриб-янчиб олишга эришган комбайнчига яна омад кулиб боқади. Пешқадам комбайнчи иш ҳақи, мукофотлардан ташқари 1 тонна буғдой олишга сазовор бўлади.

Демак, ҳалол меҳнат қилган кишининг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой.

Энг юқори ҳосилдорликка эришган хўжалик, ширкат, ғаллачилик звеноси учун ҳамда энг кўп миқдорда ғалла ташиган ҳайдовчилар учун ҳам алоҳида мукофотлар бериш тадбирда белгиланган.

Рустам Искандаров, Тўймурод Нарзуллаев, Нортожи Қурбонназаров, Бекмурод Ҳусенов, Ҳасан Рўзибоевлар саркорлик қилаётган кичик ширкатлар, Холмурод Бобоёров, Шавкат Маманиёзов, Хасан Тўевлар бошчилик қилаётган ғаллачилик бригадалари юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Ваъдасига вафодор ғаллакорларнинг ютуқларига тажрибали техника жиловкорлари Назиржон Назаров, Равшан Луқмонов, Раҳмат Ўринов, Бобохўжа Луқмонов, Бекниёз Турдиев, Ихтиёр Иззатовларнинг хизматлари беқиёсдир.

Яқиндагина давлатга пилла сотиш йиллик режасини ортиғи билан уддалаган муборакликларнинг юзлари яна ёруғ бўлди. Ғаллакорлар ваъдани бажаришди.

Лафзи ҳалол деҳқонлар шоличилик соҳасида ҳам тажриба қўллашаяпти.

- Туманимиз тарихида биринчи марта 50 гектар майдонга шоли экилди. Тажрибали деҳқон Бешим Тўев бошлиқ деҳқон-фермер хўжалиги буни бошлаб берди. Бу, албатта қўриқ ерни ўзлаштириш асносида бўлди,- дейди Карим Остонов деҳқонлар шижоатидан қувониб,- насиб бўлса, пахтадан ҳам юксак хирмон кўтармоқчимиз. Барча соҳадаги режалар уддаланса моддий жиҳатдан бақувват бўламиз. Бу эса одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

Шу кунларда ғалладан бўшаган майдонлар такрорий экин экиш учун ҳозирланмоқда.

Тажрибали механизатор Назиржон Назаров бошқараётган «Кейс» кабинасига ўрнашиб, комбайннинг афзалликлари билан танишамиз. Ҳар томонлама қулай, салқин, тоза ва озода. Кабинага умуман чанг кирмайди. «Кейс» шитоб билан ғаллазорда суза бошлайди. Бир зумда гектар-гектар майдонлардаги ғаллалар ўриб-янчиб олинади.

У радиоприёмник қулоғини бурайди. Хушовоз хонанданинг ширали овози ғаллазор бўйлаб таралади:

Хирмон тўлиб тўкилди дон, тўкилди дон, момо.
Тандир тўлиб ёпилди нон, ёпилди нон, момо.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратда (чапдан ўнга) Амир Темур номли жамоа-ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Уйғун Қурбонов, вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари инспекциясининг бошлиғи Боқи Муродов ва Муборак тумани ҳокими Карим Остонов янги ўрилган буғдой навини кўздан кечиришмоқда.

Баён этилаётган фикрлар табиатга аёвсиз муносабатда бўлаётган баъзи инсонлар тушунчасини бир оз бўлса-да яхши томонга ўзгартирар, деган умиддаман.

«Сувга ёстиқ бўлган яшил қирғоқлар...»

ТАБИАТ СЕҲРИ ҲАР ҚАНДАЙ ДИЛНИ МАФТУН ЭТАДИ. УНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Инсоният ибтидосидан одам ва табиат маълум қонуниятлар доирасидагина мулоқотда бўлиб келади. Меъёрнинг у ёки бу томонга силжиши оқибатида эртами-кечми экологик фожиага олиб келувчи эҳтимолни туғдиради. Табиат бойликларидан оқилона фойдалана олмаслик туфайли иқлим бузилади, ер ва сув айнийди.

Атроф-муҳитни соғломлаштириш муаммоси аллақачон миллий доирадан чиқиб, халқаро миқёсга тарқалган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасалари доимий масаласига айланган. Носоғлом экологик муҳит энг аввало, болаларга, оналарга салбий таъсир кўрсатади. Ер юзида минглаб туғма ногиронларнинг пайдо бўлиши, ҳаттоки болалар орасида рак касаллигининг турли хил шакллари кўплаб учраётганлиги, оналар ва болаларда анемия (кам қонлик), юрак, буйрак касалликларининг кўпайиб бораётганлиги, нафас олиш йўлларининг сурункали касалликлари, ҳомиладор аёлларда турли хил кутилмаган асоратлар ва касалликларнинг пайдо бўлаётганлиги жуда аянчли ҳолдир, бунинг ўз вақтида чораси кўрилмаса, эртанги кунда соғлом авлод ўрнида мажруҳ-ногирон ва ҳалокатга юз тутган инсонларни кўриш ҳеч нарса эмас. Шу боисдан, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти асосий мақсад қилиб, «барча халқларнинг имкони борича саломатлигининг юқори даражасига эришиши»ни кўйди. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш эса, маълум бир шартларга амал қилишни талаб этади: улардан энг асосийси - «атроф муҳит гигиеник омилларининг яхшиланишига (мўътадиллашишига) кўмаклашиш»дир. Халқаро соғлиқни сақлаш ассамблеясининг биринчи сессиясидаёқ атроф муҳитни соғломлаштириш энг биринчи навбатда турган муаммо, деб эълон қилинган эди.

Бизни қамраб олган атроф муҳитнинг, табиатнинг, сув ва тупроқнинг инсон саломатлигини сақлашдаги муҳим ролини тушуниб етиш учун айрим маълумотларни келтириш ўринли деб ўйлайман.

Ўрта Осиё иқлими қуёш радиациясининг, ёзги иссиқлик манбаларининг ўта юқорилиги ва йиллик ўртача ёғингарчилик миқдорининг камлиги билан ажралиб туради. Охирги 10-15 йил ичида атмосфера умумий айланишнинг ўзгаришлари, ҳаво ҳароратининг умумий оқими, ҳавода карбонад ангидрид ва бошқа парник газларининг кўпайиши ҳамда маҳаллий инсон ҳаёти фаолияти билан боғлиқ бўлган омиллар эвазига иқлимда иссиқлик кўпайиб бормоқда.

Маълумки, Орол денгизининг тез регрессияга учраши ва унинг собиқ туби майдонининг катта қисми қуриши Орол атрофи ҳудудида иқлимнинг бир мунча ўзгаришига олиб келмоқда, денгизга тақалиб турадиган 100-150 км зонада ёз кунларидаги иссиқ иқлим ҳароратига қўшимча яна ҳароратнинг ошиши қўшилган, нисбий намлик 5-10 фоизга камайган. Ушбу денгиз атрофидаги ёғингарчиликдан ҳосил бўлган сув таркибидаги тузларнинг умумий концентрацияси кўпайган. Чанг (тупроқ)-тўзонлар бўрони, қум ва туз кўчиши ҳоллари тез-тез учрайдиган ҳодиса бўлиб қолмоқда. Ўсимлик ва ҳайвонот оламининг айрим кам учрайдиган турлари йўқолиб кетиши хавфи туғилиб турибди.Табиий муҳитнинг ёмонлашуви, юзаки ва тупроқ ости сувлари сифатининг пасайиши, замин (ер)нинг эрозияси, тупроқда тузларнинг кўпайиши, ва бошқа манфий ҳолатлар ўша зонада одамларнинг кескин камайишига олиб келмоқда. Чунки, экологиянинг бузилиши билан кечадиган барча ҳодисалар инсон саломатлигига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига путур етказмоқда.

Тоза муҳит, мусаффо ҳаво учун курашишнинг зарурлиги охирги йиллар ичида нафас йўли касалликларининг, аллергик хасталикларининг кўпайиб бораётганлигидан келиб чиқади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ўпка ракининг ҳам кўпчилиги атмосферадаги ҳавонинг ифлосланишидан пайдо бўлиши аниқланган. Замонавий экологик ва эпидемиологик текширишлар натижасида ўпка ракининг шаҳар аҳолисида қишлоқ аҳолисидагига кўра анча кўпайиб бораётганлиги кузатилган.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши манбаларидан бири ички ёниш двигателига эга бўлган автомашиналар ва механик юриш воситаларининг кўпайиб бораётганлигидир. Бир автомобилнинг 900 км масофани босиб ўтишида бир инсоннинг бир йил ичида нафас олиши учун сарф қилинадиган кислород миқдоридаги кислород сарф этилади. Ҳозирги кунда автомобиллар чиқинди гази таркибида 200 дан ортиқ компонентлар борлиги маълум.

250 мингта автомобил атмосферага 200 минг тоннадан ортиқ углерод оксиди ва тахминан 50 минг тонна турли хил углеводородларни чиқариб ташлайди. Углерод оксидининг ўзи ташқи томондан қарағанда ҳеч бир сезиларли таъсир этмайди (яъни инсон уни сезмайди), ўпка тўқимасида ҳам ўзгаришлар (яллиғланиш) чақирмайди. Аммо унинг энг хавфли жойи шундаки, углерод оксиди қондаги гемоглобинга кислородга нисбатан 300 баравар кўпроқ миқдорда бирикиб олиш хусусиятига эга. Олимларнинг фикрича, **углерод оксиди қон билан организмда тарқалганидан сўнг липид моддаларининг (ёғнинг) юрак ва бошқа ички органлар қон томирлари деворида йиғилишига (тўпланишига) - чўкишга олиб келади ва ана шу оқибатда томирлар ўтказувчанлигини бузади, уларнинг торайишига сабаб бўлади.**

Инсон ҳаётида, шунингдек ҳайвонот ва ўсимликлар оламида сувнинг роли ҳам жуда беқиёсдир. Муболағасиз айтиш мумкинки, барча талабларга(санитария-гигиена нормаларига) жавоб берадиган, юқори сифатли ичимлик суви инсон саломатлигини сақлашнинг асосий шартларидан биридир. Чунки сув оддий бир кимёвий бирикма бўлишига қарамасдан, у ер шарининг сув қобиғи гидросферанинг асосий таркибий қисмидир. Қадимда шарқ халқлари сувни барча мавжудотларнинг биринчи келиб чиқиш манбаи ҳисоблаганликлари бежиз эмас,албатта.

Организмда сувнинг одатдаги меъёрнинг камайиб кетиши модда алмашинувининг пасайишига ва ҳаёт учун муҳим бўлган жараёнларнинг секинлашиши ва тўхташига олиб келади. Инсон организми сувсиз яшаши мумкин эмас, чунки сув унинг тараққиётида, ўсишида ва физиологик функциялари учун муҳим роль ўйнайди. Одам вазнининг 70 фоизини сув ташкил қилади.

Сув туфайли инсон организмида эритмалар тарзида ҳаёти учун муҳим бўлган минераллар мавжуд ва улар тўқималарга тарқалади.

Сув алмашинуви инсон организмида бебаҳо ўринни эгаллайди: юқорида баён этилганидек,сув билан нафақат инсон организми учун муҳим бўлган моддалар танага киради, балки модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган ва организм учун зарарли бўлган чиқинди моддалар ҳам сув билан биргаликда (сувда эриган ҳолда) чиқиб кетади. Маълумки, иқлими ўта иссиқ келадиган Ўрта Осиё шароитида инсон организми кўп сув чиқаради ва албатта, кўп истеъмол қилади. Сувнинг ҳаёт учун қай даражада муҳим эканлигини таъкидлашга бошқа ҳожат йўқ деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда минтақамизда **сув ресурсларининг нисбатан камайиб кетиши, сувнинг ифлосланиши, сифатининг пасайиб кетаётганлиги ва шунга ўхшаш сув билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммолар** инсон саломатлигига, она ва бола саломатлигига зарар етказадиган экологик номутаносибликнинг, экологик бузилишнинг бир кўринишидир. Ўткир ва юқумли ошқозон-ичак касалликларидан аксариятининг, юқумли гепатитнинг тарқалишида ҳам ифлосланган сув муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги кунга келиб, инсоният ўзининг табиат олдидаги гуноҳларини анча пайқаб қолди. Ушбу муаммо, аллақачон, миллий ва ҳудудий тасарруфдан чиқиб, эндиликда уни фақатгина умуминсоний куч ва идрок билан ҳал этиш мумкинлиги аёнлашди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги - теран фикрлайдиган, жисмонан ва маънавий баркамол, ҳар томонлама етук ва соғлом авлодни тарбиялашни тақозо этади. Буни эса, соғлом экологик муҳитсиз амалга ошириш мумкин бўлмаган бўларди. Ҳа, инсон соғлом тупроқда, соғлом табиатда, соғлом ҳавоси ва соғлом суви мавжуд бўлган муҳитда дунёга келади ва камол топади.

Табиатни асранг, одамлар!

Зуҳра БОТИРОВА,
тиббиёт фанлари доктори.

Денов тумани «Сурхонозиқ-овқат» саноат ҳиссадорлик жамияти ва касаба уюшма қўмитаси меҳнат аҳли ишлаши, дам олишига қулай шарт-шароит яратиш борасида амалий иш олиб бораётир. Суратда: агросаноат мажмуи туман касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари Эсон Мансуров (чапда) ишчилар Ҳамро Болажонов, Хўжаназар Жўраев, Эркин Сарибоевлар билан суҳбатлашмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Касаба уюшмалари ва болаларнинг ёзги дам олиши

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ ЁЗИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА

(бир саволга икки жавоб)

Оролбўйи ҳудудидаги мураккаб экологик шароитда жойлашган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси болаларининг ёзги дам олишини ташкил этиш ғоят муҳим масалалардан биридир. Чунки, бу воҳа ўғил-қизларининг ёзни соз ўтказиб, янги ўқув йилига соғлом, тетик ва бақувват бўлиб келиши мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги вилоятларга нисбатан бир неча баробар эътибор, ғамхўрлик, меҳру-муҳаббатни талаб этади. Бундай мураккаб вазифаларни адо этишда, табиийки, касаба уюшмалари зиммасига катта ташвишлар, масъулият юклатилади.

Хўш, бу вазифаларни Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари қай даражада бажармоқда. Ана шу саволга биринчи навбатда Хоразм вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Одамбой Болтаевдан жавоб беришни илтимос қилдик.

- Вилоят касаба уюшмалари бу йил болаларнинг ёзги дам олишларига ҳар қачонгидан ҳам барвақт, пухта тараддуд кўришга киришди. Натижада болалар оромгоҳлари анча олдин, уюшқоқлик билан иш бошлади. Жумладан, Боғот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги соғломлаштириш оромгоҳида бу борада ибратли ишлар адо этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ерда бир йўла 156 нафар болалар ёзги дам олиш онларини қувноқ ва мазмунли ўтказаяпти. Чунки, бунинг учун барча шароитлар яратиб берилган. Ҳар хил тўгараклар ишлаб турибди. Китоб, мусиқа ихлосмандлари учун асбоб-ускуналар, адабиётлар бисёр. Футбол, шахмат-шашка бўйича беллашувлар бўлиб, бу сехрли уйинларга қизиқувчилар сони кун сайин кўпаймоқда.

Сифатли ва тўйимли овқатлар тайёрламаса ҳордиқ-ҳордиқ бўладими? Бу борада «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Шунингдек, Ҳозорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигидаги, Гурлан туманидаги «Роҳат» ҳамда Шовот, Қўшкўпир, Хонқа туманларидаги қатор оромгоҳларда ҳам болалар ёзи соз ўтмоқда.

Ўтган йили 71 та шаҳар атрофи ва 10 та соғломлаштириш оромгоҳларида 31,5 мингдан кўпроқ ўғил-қизларимиз дам олишган бўлишса, «Оила йили»да уларнинг сони янада кўпаяди. Бу йил, айниқса, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг ёзги таътилда кўпроқ дам олишига диққат-эътибор қаратилмоқда.

Бу йилги ёзги мавсумда болаларни соғломлаштириш ишлари 1997 йилга нисбатан бир мунча яхшироқ ташкил этилмоқда. Вилоят хокими ҳамда касаба уюшмалари Кенгашининг «Хоразм вилоятида 1997 йил ёзги мавсумда болаларни соғломлаштириш якунлари ҳамда 1998 йилда амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида»ги қўшма қарорини ҳаётга тадбиқ этишда катта ишлар қилинмоқда.

Тўғри, ҳали бу муҳим қарорни амалга оширишда барча жойларда ҳам иш кўнгилдагидек, шу кун талаблари даражасида кетаяпти, деб бўлмайди. Бизнинг бундан кейинги асосий вазифамиз шу кеча-кундузда юз бераётган айрим камчиликлар ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиб, ёзни соз ўтказишдан иборатдир. Бунинг учун барча имкониятлар бор.

- **Болаларнинг амалдаги йил ёз мавсумида дам олишини ташкил этиш Қорақалпоғистон республикасида қандай олиб борилаяпти? Бу саволга Қорақалпоғистон касаба уюшмаси Кенгаши раисининг ўринбосари Давлатбой Ниёзов шундай дейди:**

- Дарҳақиқат, болаларнинг ёзги дам олишларини талаб даражасида ташкил этиш, таъбир жоиз бўлса, давлат аҳамиятига молик вазифалардан биридир. Қорақалпоғистонда бу масалага шу нуқтаи назардан ёндашилмоқда. Биринчи навбатда бу соҳада ўтган йили бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ютуқлар умумлаштирилди, юз берган камчиликларни бу йил содир этмаслик чора-тадбирлари кўрилди. Дарвоқе, «Инсон манфаатлари» йилида 31 та оромгоҳлар ташкил этилиб, 8143 ўғил-қизларимиз ҳордиқ чиқаришади. Шунингдек, экологик ноқулай ҳудудлардан 2 800 ёш болаларимизни Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг энг сўлим гўшаларига жойлашган оромгоҳларга жўнатдик. Уларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Булардан ташқари мактаблар қошида ташкил этилган кундузги дам олиш оромгоҳларида 2350 ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради.

Бу йил 32 та оромгоҳда салкам 10 минг, республикадан ташқарида 2 500, мактаблар қошиидаги кундузги оромгоҳларда 1 310 нафар ўғил-қизлар дам олади.

Сир эмас, энг муҳим масалалардан бири овқатланишни талаб даражасида ташкил этишдир. Утган йилги тажрибалар шуни кўрсатдики, савдо нуқталарида озиқ-овқатлар мавжуд бўлгани ҳолда оромгоҳ ҳисобида маблағ бўлмаслиги ҳоллари юз берди. Оромгоҳ ҳисоб рақамига пул келиб тушганда эса тескариси бўлди. Бундай салбий ҳолатларнинг қайта такрорланмаслигини «Қорақалпактутинчуу» («Қорақалпоқматлубот») ҳиссадорлик жамияти ўз зиммасига олди. Оромгоҳларни зарур дори-дармонлар билан етарли миқдорда таъминлаш масаласи ҳам вақтида ҳал этиляпти. Бу вазифа «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятининг туманлардаги бўлимларига юкланилди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, қорақалпоғистонлик болаларнинг дастлабки гуруҳи Тошкент вилоятининг, жумладан Тошкент денгизи соҳилидаги «Меҳрибон» оромгоҳида мириқиб дам олаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, ёзги дам олиш мавсуми касаба уюшма ташкилотлари учун ўзига хос синовдир. Шубҳасиз, бу синовдан юзимиз ёруғ бўлиб ўтади.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

TV

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».

×

8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Жаҳон спорти».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ёшулли Хива». Премьера.
9.40 Лирик тароналар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.45 «Фермер». Телетанлов.
11.05 «Аждаҳо ва қуёш». «Акс-садо ҳақида эртак». Мультфильмлар.
11.25 «Кекса саньаткорлар». Мусиқий дастур.
12.05 «Омад юлдузи». Телеўйин.
12.35—14.00 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм.

× × ×

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғаройиб орол». Мультфильм.
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.00 «Мулкдор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Суйганларим бор». Мусиқий дастур.
22.00 «Вазият».
22.15 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.50 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм 23-кўй.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 А. Алимбоев. «Огзаки ҳикоялар». Биринчи кўрсатув.
19.05 Эгиз қўшиқлар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Бурч ва масъулият».
21.25 «Таггер». Телесериал.
22.15 «Даракчи»(рус тилида).
22.25 «Дэнс». Жаҳон рақслари.
22.45 «Бозор ва мулк».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ. «Шаҳарда».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.

×

17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари

×

20.40 «Тоғ капалаклари». Телефильм.

×

21.00—21.35 РДТ «Вести».

×

21.35 Эълонлар.
21.40 «Худди ота боладек». Бадиий фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари

×

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Жаҳон».
20.55, 22.20 — Эълонлар.
21.00 «Морена Клара». Телесериал.
21.45 «Умр баҳори».
22.00 Ҳамкорлик.
22.25 Кинематограф. «Эгнар чашмаси».
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар линияда профилактика.
15.05, 18.00, 21.00, 01.35 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Телесериал(Бразилия).
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал(АҚШ).
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали(Франция).
18.45 «Қора марварид». Телесериал(Аргентина).
19.30 «Кулгили воқеалар»: «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.
20.00 Спорт янгиликлари.
20.30 «Тунги мультик».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 «Юлдузлар чарақлаган душанба».
23.15 Телесериал.
00.15 «Бойўғлига навбат».
01.10 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.20 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Чолиқуши». Сериал.
9.00 В. Познернинг «Ниқобдаги киши» дастури.
9.45 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
10.20 «Хонаки кутубхона».
10.30, 18.30 — «Куйини топинг».
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 «Кирол ўкчиси Шарпининг саргузаштлари». Тарихий сериал.
13.15 «Кумушранг шар». Рита Хэйворт. Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
14.20 Мультсериал.
14.55 «Бахтли тасодиф».
15.40 «Олтин атиргул гори». Сериал.
16.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саёҳат».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Олег Табаков «И. И. Обломовнинг ҳаётидан бир неча кун» фильмида.

РДТ

6.00, 7.50, 14.40 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйғон!»
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 — «Вести».
6.55, 23.05 — «Тафсилотлар».
7.10, 22.25 — «Навбатчи қисм».
7.25 «Товарлар — почта орқали».
7.30 «Стронг» таништиради.
7.35 «Пуллар».
8.15 «Хайвонлар ҳақида мулоқотлар».
9.10, 19.35 — «Санта-Барбара».
10.30 «Православ тақвими».
10.35 «К-2» таништиради.
13.30 «Никколо Паганини». Бадиий фильм. 2-серия.
15.00 «Минора». Ёшлар учун ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.35 Жаҳон ёшлар ўйинлари очилиши маросими.
18.45 Москва ва Бутун Россия патриархи Алексей II нинг мурожаати.
20.35 «Петербург сирларининг очилиши». Телесериал.
21.35 «Пси Фактор». Телесериал.
23.20 «Автоспорт. Россия чемпионати».
00.15 Волейбол. Жаҳон лигаси. Испания — Россия. Аликантедан олиб кўрсатилади.

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Детектив Нэш Бриджес».
11.10 Кеча «Якунлар»да.
12.10 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
12.25 «Якунлар». Тунги сухбат.
13.00, 15.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.25 «Эски телевизор» эслайди: «Кироллиққа тегишли барча одамлар». 2-қисм.
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». 158-серия.
16.00 — «Футбол клуби» жаҳон чемпионатида.
